

ИНСОННИНГ ТАБИАТ КУЧЛАРИ УСТИДАН МИСЛИ КЎРИЛМАГАН БУЮК ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

Гагарин шу ерда ўқиган эди

ЛЮБЕРЦИ, 12 апрель. (ТАСС). Москва атрофидаги Люберци шаҳридаги хунар мактаби ўқувчилари дафтарига ёзилган кўп номлар орасида ҳозир ер юзидаги кишиларнинг турли тилларида айтиладиган бир фамилия — Юрий Алексеевич Гагарин номи ҳам ёзилган. Паст бўлиб, озгун йилгитча бундан 12 йил муқаддам бу ерда Смоленск областида келган эди. Уқини йиллари жуда тез бўлиб кетди. Ёлajak қаҳрамон — камтар, оддий йилгитча эди, аҳоли даражада ишлади, бадиий ҳаваскорлик тўғрисида кидди, хорда ашула айтди. 1951 йилнинг август ойида кўнчилик касбини ўрганган Юрийни ва унинг яна бир неча ўртоқларини Саратовга ўқишга юбордилар.

Мана бузун хунар мактабининг собиқ шогирди майор Гагарин космосга биринчи бўлиб учганини маълум бўлиши билан оқ газет ва журналларнинг редакциялари, оддий совет кишилари Люберцига телефон қила бошладилар.

Гагаринни унинг ўқитувчилари София Зингер, Екатерина Алимона ва бошқалар яхши хотирлайдилар.

— Юра яхши, ажойиб йилгитча эди, — дейди Е. Алимона — Мен унинг портретини телевизор орқали кўришим билан оқ дарҳол уни танидим. Бу албатта, ўша Юра эди! Бизлар

БУ БИЗНИНГ ВАТАНДОШИМИЗ!

Дилдаги қувончларини қай сўзлар билан ифода этсам экан, биродарларим!

— Офарили! — Космосга одам учибди! — Бу бизнинг ватандошимиз.

— Бу олийжан қўнчиликнинг тенгаси намунаси!

Радио орқали берилган бу хушxabарни ҳар биримиз жон дилимиз билан тингладик. Бир-биримизни бисотиимиздаги энг илчи, энг мўтабар сўзларини айтиш билан таъриқладик. Ахир ўзини ўйлаб қаранг, бундан ҳам улуғ, бундан ҳам буюк, бундан ҳам юксак қаҳрамонлик бўладими? Бундай қаҳрамонлигини тарих биринчи марта қўлиб турибди.

Кишилик жамияти қонинотта учини, унинг сирлари билан ошиб бўлиниши неча-неча асрлардан бери орзу қилиб келарди. Мана бутун кунда совет кишиларининг, олимларининг завоати, айтилган бўлиб кўришди. Шу ороуни рўбга чиқаришга жазм қилган, авиация майори Ю. А. Гагарин, Сизнинг жасоратингизга бутун дунё тасалло деюмда, бутун дунё Сизни кутламоқда.

Ана шу сўзларни тўқиниланиб, ҳаяжонланиб айтган эканман, уруш оловини ёқмоқчи бўлган импералистларга икки оғиз сўз айтмоқчиман Жаноблар! Уруш вавасаси тўғрисида бемани гап сотишдан кўра олимларининг ақл ва идрокни ана шундай мўъжизалар яратишга сафарбар қилинг. Келинг, космосни эгаллашда ҳамкорлик қилайлик. Халқлар манфаати йўлида иш олиб борайлик. Совет кишиларининг мақсади, талаби шу!

Космосга биринчи бўлиб парвоз қилиб, муваффақият билан ерга қайтиб тушган киши совет халқининг орасидан еттичи чиққан асл инсон бўлганлиги ҳаммамизнинг қалбимизни чексиз фахрланганиш туйғуларидан бундан тўлиқроқдир.

Ижодкор олимларимизга балли! Турмушинида, ишнингизда бундан ҳам улуғ, бундан ҳам буюк ғалабаларни кўлга киритишингизни истаганимиз ўртоқ Гагарин.

Т. НОРМУХАМЕДОВ, Орхониконда райондаги Ленин номи колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

нинг ҳаммамиз гоит хурсандмиз. Ахир, биринчи космонавт бизнинг мактабда ўқиган-да!*

Мастер, ҳозир пенсионер Егор Алексеевич Прокоров бундай деди:

Юра жуда меҳнатсевар ва кунтали йилгитча эди. Биз кишиларни қўнчиликлардек тоблаб чиқарамиз. Унинг биринчи космонавт бўлганлиги тасодифий эмас. Биз ўтда ишлаймиз. Биз

нинг қасбимиз жасурлик ва бо-тирлик талаб қилади.

Кундуз кун мактабда катта митинг бўлди.

Мен бу ерда тўпланганлар номидан, деди ўз сўзида ўқувчи Нина Манаенкова, мактабимизга жасур учувчи Юрий Алексеевич Гагарин номи берилишини сўрайман. Мактабимиз шу номга муносиб бўлади, деб ишонаман.

БИЗНИНГ КОИННОТ

Коинот бағрикенд юрагимиз кенг. Унда кўш бўлиб парлар ифтихор. У шундай қувончли, йўллар унга тенг. Кўрмаган ҳеч замон ва ҳеч бир дийр.

Ҳаёда кезади сомон йўллари. Узоқ юлдузларга инсон қўйган ном. Етдмлай меҳрига орзу қўллари. Кутгандир кўк сирин билишга айём.

3-БЕТ, 14 АПРЕЛЬ, 1961 ИИЛ.

